

# ЯНГИ ЎЗБЕКИСТОНДА ЭЛ АЗИЗ, ИНСОН АЗИЗ



# asr

IJTIMOIIY-SIYOSIIY GAZETA

18-avgust 2022-yil 33 (979)



www.21asr.uz



@XXIasrofficial

Gazeta 2004-yil 1-yanvardan chop etila boshlangan

МИЛЛИЙ ҒУРУП

## БУЮКЛИКДАН БУЮКЛИК ТУҒИЛАДИ

ЁХУД КАМАЛАКНИ ПАРЧАЛАБ БЎЛМАСЛИГИГА ОИД МУЛОҲАЗАЛАР



Бошқаларни билмадим-у, ривожланиш, юксалиш деса, менинг кўз олдимга камалак келади. Аммо уни ҳамма кўра олмайди.

**Б**ошидан ростини айтаман – сарлавҳани ўзимдан ўзим “ўғирладим”. Нақд ўн саккиз йил олдин шу номда ёзган мақолам мамлакат марказий нашрининг биринчи саҳифасида чиққанди. Қаҳрамон шоиримиз Абдулла Ориповнинг ўтли сатрлари қаламни чархлаганга ундаганди:

*Буюкликдан буюклик туғилиб келган доим, Эй, сен азамат халқим, эй, сен туғилган жойим.*

Ушанда ҳам меҳридарё ўзбегим дўппининг ўрнига тож кийганди. Жаҳон шахмат тожи. Ушанда ҳам хушхабар мисоли қанот ёзиб олисдан келганди. Ливиянинг Триполи шаҳри мезбонлик қилган жаҳон чемпионатида 25 ёшли Рустам Қосимжонов ғолиб бўлганди.

Ақл гимнастикаси дея таърифланувчи қадимий чатуранга (яъни шатранж) бўйича баҳсларни бутун дунё кузатиб турди. Айниқса, ҳамюртимизнинг дадил юриши мутахассислар диққатини тортди. “Ўзбекистонлик йигит буюк Амир Темур лашкарларидек моҳирона от ўйнатяпти” тарзидаги самимий эътирофлар янгради.

Аслида бу бежиз эмасди. Зотан сиёсий қурашлар шахмат тахтасидаги жангга ҳар жиҳатдан ўхшайди. Спорт тури сифатидаги ўйиндан мақсад рақиб шохини мот қилиш. Оқ ва қора рангдаги 64 та катакли сатҳда икки томон 16 тадан иборат “кў-

шин”и билан дона суради. Музаффарлик туғини баланд кўтариш учун узокни кўра билиш жоиз. Бунинг учун эса зехну заковат даркор.

Рустам Қосимжонов зукколигини намойиш этиб, 17-жаҳон чемпиони деган шарафли номга сазовор бўлгач, унинг олтин медали ёнига Ватанимизнинг юксак мукофоти – “Амир Темур” ордени тақилди. Соҳибқироннинг тожи ўз вақтида ер юзининг учдан бир қисмига нур сочган бўлса, Рустамнинг ғалабаси сайёраимиз сарҳадларига ёйилганининг рамзий ифодаси эди.

Давоми 3-саҳифада. ►►

ДАВЛАТ МУКОФОТИГА НОМЗОДЛАР



## ЗАР ҚАДРИНИ БИЛГАН ЗАРГАР

**З**ар қадрини заргар билар, деган нақл бежиз айтилмаган. Таъбир жоиз бўлса, ҳар бир соҳанинг ўзининг зари ва заргари бўлади. Муסיқа санъатининг заргарлари – композитор ва бастакорлар ўз касбининг моҳир устаси сифатида янги асарларни яратиб, куй ва оҳанглар ёрдамида миллат руҳи ва шукҳини мадҳ этадилар, асрлар давомида авлоддан авлодга ўтиб келаётган миллий муסיқа меросимизни янада бойитиб, унга сайқал бериб, келажак авлодларга етказиб берадилар.

Муҳтарам Президентимизнинг ташаббуси билан бугунги кунда муסיқа санъатимизни янада ривожлантириш ҳамда соҳа ижодкорларини ҳар томонлама қўллаб-қувватлашга катта эътибор қаратилмоқда. Пойтахтимиз ва ҳудудларда янги аданият марказлари, Нукус шаҳрида Ўзбекистон давлат консерваториясининг филиали ташкил этилгани, опера хонандалари мактаби очилгани бу соҳада олиб борилаётган кенг қўламли ислохотлар натижасидир. Миллий маданиятимиз ва санъатимизни юксалтириш йўлида композитор ва бастакорлар ҳам самарали ижодий фаолият кўрсатмоқда. Хусусан, Қорақалпоғистон муסיқа маданиятини ривожлантириш ва композиторлик мактабини шакллантиришда Ўзбекистон ва Қорақалпоғистон санъат арбоби, атоқли қорақалпоқ композитори Нажимаддин Муҳаммаддиновнинг хизматлари жуда катта.

Давоми 5-саҳифада. ►►



## ЎЗБЕК АЁЛИ – ЭНГ ИШБИЛАРМОН, ЭНГ УДДАБУРОН ВА ЭНГ МАТОНАТЛИ

“Ишбилармон аёл – 2022” кўрик-танловининг республика якуний натижалари барча кузатувчида ана шундай иқрорни яна бир бор мустаҳкамлади

## ЭЪТИБОР ВА РАҒБАТ – МУВАФФАҚИЯТ ГАРОВИ

Бу шунчаки гап эмас. Қаерда, қайси соҳада ютуқлар бор, ўсишлар бор, билинги, машаққатли меҳнат ва унга ўз вақтида берилган эътибор ва рағбат туфайлидир.

Мана етти йилдики, Тадбиркорлар ва ишбилармонлар ҳаракати – Ўзбекистон Либерал-демократик партияси томонидан “Ишбилармон аёл” кўрик-танлови юқори савияда ўтказиб келиняпти. Шу пайтгача 14 мингга яқин ишбилармон аёлларни қамраб олган танлов бу йил янада бошқача форматда – Мустақиллигимизнинг 31 йиллигига бағишлаб “Янги Ўзбекистонда эл азиз, инсон азиз” шиори остида ташкил этиляпти.

## ФЕРМЕР ҲАМ МАНФААТ КЎРАДИ ЭНДИ

2с.

## УХЛАНГ, ОҚСОҚОЛ, УХЛАНГ!

6с.

## КУН ТАРТИБИДА - ТАКЛИФЛАР ТАҲЛИЛИ

**Ш**у йилнинг 12 август куни Олий Мажлис Қонунчилик палатасининг навбатдаги мажлиси бўлиб ўтди. Унда “Ўзбекистон Республикасининг Конституциясига ўзгариш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида”ги Конституциявий қонун лойиҳасининг умумхалқ муҳокамаси якунлари асосида уни янада такомиллаштириш бўйича олиб борилаётган ишлар муҳокама қилинди.



**Кун тартибдаги ушбу масала юзасидан Олий Мажлис Қонунчилик палатаси Спикери ўринбосари, O'zLiDeP фракцияси раҳбари Актам Хаитов ҳам нутқ сўзлади.**

– Мана, қарийб тўрт ойдан бери Бош қомусимизга киритилаётган ўзгаришларни чуқур муҳокама қилишимиз, – деди жумладан, нотиқ. – Бу масала бўйича халқимиздан жуда кўп таклифлар тушаётганини, фуқароларимизга ўз таклиф-мулоҳазаларини билдириши учун барча имкониятлар яратиб берилганини алоҳида эътироф этиш жоиз. Бундан ташқари, жойларда айни шу масалада аҳоли вакиллари билан кўплаб учрашувлар ўтказилди. Фракциямиз депутатлари айни учрашувларда фаол. Конституциямизда алоҳида йўналиш сифа-

тида иқтидорли ёшларни қўллаб-қувватлаш, уларнинг бандлиги, тадбиркорлик фаолияти билан шуғулланиши учун жуда катта имкониятлар яратилиши ва бу борадаги таклифларларни ёшларимиз билдираётгани қувонарли. Таъкидлаш ўринлики, фақат Конституцияга эмас, алоҳида қонунларга ҳам таклифлар берилмоқда. Бугунги асосий маърузачининг ахбороти қўллаб-қувватлаб, жумладан, алоҳида эътибор қаратиб ўтилган масалалар бўйича ҳам биргаликда ишлашимиз.

## ЎСИМЛИКЛАРНИ ҲИМОЯ ҚИЛИШ ЯНАДА КУЧАЙТИРИЛАДИ

**Олий Мажлис Қонунчилик палатасидаги Ўзбекистон Либерал-демократик партияси фракциясининг навбатдаги йиғилиши бўлиб ўтди. Унда мамлакатимиз ижтимоий-иқтисодий ҳаётининг турли жабҳаларида амалга оширилаётган ислохотларни чуқурлаштиришга қаратилган бир қатор қонун лойиҳаси кўриб чиқилди.**

**Дастлаб фракция аъзолари “Ўсимликларни ҳимоя қилиш тўғрисида”ги қонун лойиҳасини биринчи ўқишда муҳокама қилдилар.**



**Бахтибой АЛДАМУРАТОВ, Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутати, O'zLiDeP фракцияси аъзоси:**

– Ушбу ҳужжатда ўсимликларни ҳимоя қилиш соҳасини тартибга солиш, ўсимликларни ҳимоя қилиш соҳасидаги давлат бошқаруви ва назорати, бу борада давлат ва ҳўжалик бошқаруви органлари, юридик ва жисмоний шахсларнинг ҳуқуқ ва мажбуриятлари белгилаб қўйилмоқда.

Шунингдек, ўсимликларни ҳимоя қилиш воситаларига қўйилмаган хавфсизлик талаблари, кимёвий моддалар, биологик воситалар ва материалларни сақлаш, қўллаш, зарарсизлантириш, йўқ қилиб юборишга доир талаблар киритиш ҳам назарда тутиляпти.

Маъмур ҳужжатнинг қабул қилиниши орқали ўсимликлар карантини ва ҳимояси агентлигининг ҳуқуқ, ваколатлари ва мажбуриятлари қонун даражасида мустаҳкамланади. Қолаверса, қишлоқ ҳўжалигида минерал ўғитлар ва ўсимликларни ҳимоя қилиш воситаларидан самарали фойдаланиш белгиланган нормаларга мувофиқ йўлга қўйилади.



**Гулшана ХУДОЯРОВА, Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутати, O'zLiDeP фракцияси аъзоси:**

– Бугунги йиғилишда “Рақобат тўғрисида”ги қонун лойиҳасининг муҳокамаси ҳам қизғин кечди. Лойиҳа иқтисодий фаолият эркинлигини таъминлаш, Ўзбекистон Республикаси ҳудудида товарларнинг эркин ҳаракатланиши, рақобат муҳитини ҳимоя қилиш, товар, молиявий ва рақамли бозорларнинг самарали ишлаши учун шароит яратишни назарда тутди.

Шунингдек, ҳужжатда амалдаги қонунчиликда мавжуд бўлмаган тушунчалар ҳам киритилмоқда. Хусусан, рақобатчи ҳўжалик юритувчи субъектлар ўртасида ишлар ва хизматларни бажаришда рақобатни чеклашга олиб келувчи ҳаракатлар, келишувларнинг олдини олиш ва тақиқлаш, шунингдек, ҳўжалик юритувчи субъектларга давлат кўмагининг мақсад ва йўналишлари, уларни олиш тартиби белгилаб қўйилмоқда.

**Муҳокамалар чоғида фракция аъзолари ҳар иккала қонун лойиҳаси бўйича ўз фикрларини билдиришди. Қизғин баҳс-мунозаралардан сўнг депутатларнинг мулоҳаза ва таклифлари эътиборга олинган ҳолда қонун лойиҳалари қўллаб-қувватланди.**

**Нурхон ЭЛМИРЗАЕВА, “XXI asr” мухбири**

## ИҚТИСОДИЙ БАРҚАРОРЛИК ВА ТАРАҚҚИЁТНИНГ ҲУҚУҚИЙ КАФОЛАТИ

**Умумхалқ муҳокамасидан ўтказилган**

**Конституциявий қонун лойиҳасига таклифларнинг салмоқли қисми ҳам фуқароларнинг иқтисодий ҳуқуқларига тааллуқли бўлди.**

**Таклифлар асосида Бош қомусимизга хусусий мулкчиликни, иқтисодий фаолият эркинлигини ҳимоя қилишга қаратилган нормалар киритилмоқда.**

Давлат қулай ишбилармонлик ва инвестициявий муҳитни, шарт-шароитларни таъминлаши, иқтисодий фаолиятда инсофсиз рақобатга, монополаштиришга йўл қўйилмас-

лиги, мамлакатимизда товарлар, хизматлар, ишчи кучи ва молиявий маблағларнинг эркин ҳаракатланиши кафолатланмоқда.

Тадбиркорларимиз қонунчиликда тақиқланмаган ҳар қандай фаолиятни амалга оширишга, ўз фаолияти йўналишларини мустақил танлашга ва тадбиркорликдан чекланмаган миқдорда даромад олишга ҳақлиги ҳам Асосий қонунимизда мустаҳкамланмоқда.

Конституциянинг 53-моддасига киритилаётган ўзгариш ва қўшимчалар мамлакатимизда хусусий мулк ва тадбиркорлик янада ривожланиши, чет эл сармоялари кенг жалб этилиши ва маҳаллий ишлаб чиқарувчилар ташқи бозорларга чиқишига хизмат қилади.

Бир сўз билан айтганда, Бош қомусимизда тадбиркорлик субъектларининг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларининг мустаҳкамланиши мамлакатимиз иқтисодий барқарорлиги ва тараққиётининг ҳуқуқий кафолатидир.



**Тўлқин КАРИМОВ, Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутати, O'zLiDeP фракцияси аъзоси**

## ҚИШЛОҚ ҲЎЖАЛИГИ СОҲАСИДА ЯНГИ ДАВР БОШЛАНМОҚДА

**Президентимизнинг 2020 йил 6 март куни имзолаган “Пахтачилик соҳасида бозор тамойилларини кенг жорий этиш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарори биз каби фермер ҳўжаликларидан муҳтараб қилаётган халқимизнинг бирини икки қиладиган, касини оқартирадиган тарихий ҳужжат бўлди.**

Бинобарин, бу орқали деҳқонларнинг оёғига тушов бўлиб келган пахта бўйича давлат бюртмаси бекор қилинди ва амалий ҳаракатларга кенг йўл очилди.

Айниқса, бу йилги пахта ҳосили учун, яъни ўрта тола навли пахта хомашёси минимал нархи (ҚҚС билан бирга) 10 минг 25 сўмни, 1 тонна ингичка тола навли пахта хомашёси минимал нархи (ҚҚС билан бирга) 15

минг 120 сўмни ташкил этгани барча фермерларимизнинг манфаатдорлигини оширади.

Давлатимиз раҳбари томонидан мамлакатимизда пахта хомашёсини етиштириш, харид қилиш ва сотишда эркин рақобатни таъминлайдиган бозор тамойилларини жорий этиш ҳамда ушбу йўналишда фермер ҳўжаликларини манфаатдорлигини оширишнинг янги механизмлари белгилаб берилганининг ўзи биз деҳқонларнинг меҳнатига берилмаётган улкан эътибор ва беқиёс ҳурматнинг намунаси деб биламиз.

Айтиш жоизки, юртимизда давлатимиз раҳбарининг ташаббуси билан жорий этилган кластер тизими охириги уч йилликнинг энг муҳим ўзгаришларидан бири бўлди. Қисқаси, мамлакатимиз қишлоқ ҳўжалигида янги давр бошланмоқда.

Фермерларимизга қарата шуни айтимоқчиманки, меҳнат қилишдан ҳеч ҳам тўхтаманг, ушбу янгиликдан руҳланиб, бу йилги пахта ҳосилини нес-нобуд қилмасдан йиғиб олинг, хирмонларга барака берсин.



**Шарифбой РАЖАБОВ, Ўзбекистон Қахрамони, “Богот” фермер ҳўжалиги раҳбари**

## ФЕРМЕР ҲАМ МАНФААТ КЎРАДИ ЭНДИ

**Ўзингиз ўйлаб кўринг, пахта яккаҳоқимлиги даврида деҳқоннинг косаси оқармаган. Нарх юқоридан белгиланиб, фақат давлат манфаатларига хизмат қилган. Чигит экиб, уни ундириб, парваришлаб, минг азобда териб хирмон яратган деҳқон қуруқ қўл билан қолган. Уларга тўланган нарх эса рўзгор тебратишга учма-уч етган. Яна бир ноқулай томони, пахтачи топширган сўнг пулни тўлаш пайсалга солинган. Кейинги пахта терими бошлангунча пулни олиш имконияти бўлмаган.**

Пахтачиликда ҳосилдорликнинг пасайиши, ер унумдорлиги камайишига ана шундай омиллар ҳам сабабчи бўлган. Чунки деҳқоннинг меҳнатдан қўли совиган. Баъзи фермерлар ҳатто ерни топшириб, хорижга ишлаш учун ҳам кетиб қолган. Сердаромад соҳа ҳисобланган пахтачиликдаги бундай салбий ҳолат пахта хомашёсини етиштириш ва қайта ишлашда ҳам бир талай муаммоларни келтириб чиқарган.

Бугун эса пахтачиликда мутлақо янги ҳаёт бўлмоқда. Бугун фермерга кенг имконият ва имтиёзлар яратилди. У ўзи етиштирган ҳосилга ўзи ҳўжайин. Ўзи қанчага баҳоласа, шунча нархда сотиш имконияти яратилди. Яъни фермер етиштирган ҳосил нархи жаҳондаги пахта сотувчи мамлакатлардаги нарх билан тенглаштирилди. Эътибор берган бўлсангиз, давлатимиз раҳбари шу йилнинг 22 июль куни ўтказган видеоселектор йиғилишида пахтачиликда юқори самарадорликни таъминлаш юзасидан “Долзарб 30 кунлик” тадбирини эълон қилган эди. Президент ҳузурда пахтачилик кенгаши тузилган эди. Бу эса соҳани изчил ривожлантириш билан бирга фермерларга эркинлик бериш, нарх эркинлаштириш ва пахта хомашёсини етиштириш, қайта ишлаш ва тайёр маҳсулотга айлантиришда фермер ҳам, қайта ишловчи ҳам, тўқимачилик саноати ҳам тенг-тенг манфаатдор бўлишига эришишни тақозо этади.

Шу маънода айтиш жоизки, пахта нархининг жаҳон бозоридан шаклланган нархлар, масъул этиб белгиланган вазирилик ва идоралар таклифларини инобатга олган ҳолда Ўзбекистонда етиштирилган 1 тонна пахта хомашёсининг минимал нархлари белгиланди. Яъни ўрта тола навли пахта хомашёси минимал нархи (ҚҚС билан бирга) 10 минг 25 сўмни, 1 тонна ингичка тола навли пахта хомашёси ми-

нимал нархи (ҚҚС билан бирга) 15 минг 120 сўмни ташкил этди.

Ўтган йилларда 1 килограмм пахта хомашёсининг нархи 7 минг 100 сўм бўлган бўлса, жорий йилда 10 минг 25 сўмга ошгани ҳар бир фермерни қувонтириши, меҳнатга бўлган муносабатини ижобий томонга ўзгартириши табиий. Қувонарли томони эса тавсия этилаётган минимал нархдан келиб чиққан ҳолда пахта хомашёсини етиштирувчи ва уни қабул қилувчи субъектлар шартномавий муносабатлар доирасида пахта хомашёси нархларини ўзаро манфаатли келишув асосида мустақил равишда белгилайди.

Бу дегани фермердан ҳам сўралади, унинг таклифлари, фикрлари ҳам инобатга олинади. Ахир у кунни тунга улаб меҳнат қилган, ҳосил етиштирган-ку! Албатта, бу адолатли ва ҳаққоний тизим жорий этилганидан далолат бериб турибди. Зотан, деҳқон, фермер бой бўлса, мамлакат бой бўлади, юрда тўқинлик ва фаровонлик ҳукм суради.



**Барно МИРЗАМОВА, Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутати, O'zLiDeP фракцияси аъзоси**

## БУЮКЛИКДАН БУЮКЛИК ТУФИЛАДИ

### ЁХУД КАМАЛАКНИ ПАРЧАЛАБ БЎЛМАСЛИГИГА ОИД МУЛОҲАЗАЛАР

**Х**озир ҳам саратон, яна август ойи. Ҳиндистоннинг Ченнай шаҳрида юз берган тарихий воқеадан сармастлар бисёр. Ҳавасмандлар майли-ку, ҳасадда юрганлар талай. “Сиртдан мулойим кўринган ўзбекларнинг дўпписида бир гап бор”, дегувчилар сафи ҳам кам эмас.

Бизникилар анонимми? Барибир бағрикенг халқ фарзандлари-да. Тожга даъвогарлар уни бой бергандан кейин кўнгли ўқсимасин, деб дўппиларини рақибларига бериб келишди. Совғани ҳамма эмас, мардлар ва сахийлар бера олади. Амир Темурунинг ҳаёларини, Бобур ва Навоийнинг қўли очқилгани эслашнинг ўзи буюкликдан буюклик туғилишига яна бир ишора. Ўзбек курашчиларининг фалсафаси ўзи шунақа – рақибга озор етказмасдан курагини ерга теккизишдан иборат.

Ченнайда “шоҳ ва мот” сўзларини энг кўп такрорлаган ўзимизнинг қорақўзлар бўлишди. Таъбир жоиз бўлса, улар бутун дунёнинг журналисту шарҳловчиларини ҳам лол қилишди. Акс ҳолда улар “Фантастик бешлик” ёхуд “Олтин авлод” қабилидаги сифатлашларни қайта-қайта айттавермасди. Фикрим қуруқ бўлмаслиги учун биттагина мисол келтирмаман:

– Энг ёш таркиб билан рейтинг етакчиларини, мусобақа мезбонларининг кучли жамоаларини, анъанавий фаворитларни ортда қолдириб ғолиб бўлиш бу – ақл бовар қилмас натижа, – деб ёзган Гарри Каспаров ҳақ!

Янги Ўзбекистон шон-шухратини бутун дунёга тараннум этган йигитларнинг кўпчилиги Рустам шахмат тахтида от ўйнатган йиллар туғилгани не тақдир ё тасодифлигини англаш мушкул. Буни бир пайтлар чармқўлқоп устаси Мухаммадқодир Абдуллаев Олимпия чўққисига кўтарилган йилда таваллуд топган болалар бўй етганда бокс қиролларига айлангани билан қиёсаб кўриш-кўрмаслик ҳар кимнинг ўзига ҳавола.

Президентимизнинг шу ўхшашликка шаъма қилиб, боксчилар олимпиадани ютганида мукофот пулларидан ташқари замонавий автомобиллар бергандик, шахматчиларга ҳам бермасак бўлмайди, дегани гапи замирида ана ўша улғуворлик, ана ўша буюклик тимсоли акс этиб турибди-ку, ахир.

Инчунун, 188 та жамоа орасида шохсупанинг энг юқори жойини эгаллаш нақадар машаққатли эканини англаш учун спортчи ё мураббий бўлиш шарт эмас. Холис ниёти оддий қаламқаш, муаллим, шифокор ё қурувчи бўлишнинг ўзи етарли. Аммо матонат нималигини шундан озгина юқтирганлар билади. Ирода нималигини мақсадга интилиб кўрганлар, марра чизигидан биринчи ўтганлар – улқони олганлар тушунади.

Хўш, азиз элимизнинг беш ўспирини қўлга киритган улкан ютук ниманинг самараси?

Донишманд болалардан мерос бебаҳо салоҳият! Тўппа-тўғри. Яна-чи? Ёшлар учун яратилаётган шароитлар ва уларга кўрсатилаётган ғамхўрликлар!

Биласизми, бу икки омил бир-бирисиз мавжуд бўла олмайди. Бўлса ҳам, бунчалик натижа бермайди. Ё ўзга юртларда донғи дoston шахслар йўқми? Янги Ўзбекистонда машҳур аждодлар-ла фахрланиш билан чекланмасдан, уларга муносиб бўлиш учун азму шижоат кўрсатиб ҳаракат қилишга кенг имкониятлар яратилгани навқирон авлодга кучли мотивация вазифасини бажараяпти.

Ақл билан оламни мот қилган ўсмирлар том маънода муқаддас Ватанинг, ота маконинг ифтихорлари. Шунинг учун ҳам уларга “Ўзбекистон ифтихори” фахрий унвонлари берилди. Рустам Қосимжоновга ўз даврида “Амир Темуру” ордени қанчалик ярашган бўлса, Нодирбек Абдусатторов, Жаҳонгир Воҳидов, Шамсиддин Воҳидов, Жаҳонгир Синдоров, Нодирбек Якубовов фахрий унвон ва моддий мукофотларга шунчалик лойиқдир.

Шотландиялик халқаро гроссмейстер Жонатан Роусон ижтимоий тармоқларга ёзган пост эса янада улкан ғурур бағишлайди: “Шахмат Ҳиндистонда пайдо бўлган эса-да, унинг ҳинд заминига Ўзбекистондан келгани ҳақида қарашлар мавжуд. Давримизгача яши сақланган энг қадимий шахмат доналари айнан Ўзбекистонда, хозирги Самарқанддаги Афросиёб харобаларидан топилиши бежиз эмас”.



Китоб ўқиган ва уққанларга “Spark”лар берилаяпти. Бепул! Рағбатлатириш учун! Ёки АКТ бўйича инновацион лойиҳалар муаллифлари ва иштироқчилари бир миллион доллар берилишини биров эшитгани шу пайтгача.

Ченнайда доврўқ таратган беш йигитнинг ҳар бирига олти юз миллион сўмдан пул, тўрт юз миллион сўмлик сўнгги русумдаги автомобиль, давлатимизнинг юксак унвонлари – қачон шахматчига шундай эҳтиром кўрсатилган? Хукумат раҳбарлари тунги(тонгги) соат учда самолёт траппинг олдига алвон гилам тушаб кимни кутган?

Бу – Янги Ўзбекистоннинг навқирон авлодни қўллаб-қувватлаш сиёсати фонидаги амалий тажрибаси. Ўзига хос бэкграунд! Олти йил илгари бошлаган ислохотларнинг самаралари бугун бамисоли бодрокдек отилиб чиқаётир. Яққол натижалар наинки спорт беллашувларида, балки фан олимпиадаларида ҳам мана мен деб кўзга ташалаяпти.

Чекловлардан дадил чекиниб, очқилликка одатланишнинг меваси бу. Энди эркинлаштириш ва рақамлаштириш сиёсати таълимгача кириб келди. Эсингиздан чиқмагандир аввал институт ҳовлисидаги дарах тагида парта қўйиб ўтирадиган домдалар ҳўжжат топширишга келган абитуриентларнинг биринчи қадамдан камчилигини топиб, шаштини пасайтириш билан овора бўлгани. Яъғи чиққан папкалардаги тахлам-тахлам “справка”ларни варақлар экан, яна қайсидир маълумотнома йўқлигини айтиб асабини бузишгани.

Бундай пайтларда узоқ навбатда туриб, офтоф тиғида одамнинг тинка-мадори қуририди. Таниш-билиши борларнинг “қўлидан етаклаб” ўтказилиши янада кучлироқ азоб беради. Олий ўқув юртидаги олди-бердирлик шу бир ойлик қабул давомидаёқ ниш уради.

Бугун-чи? Уйингизда ўтириб беш дақиқа давомида ДТМ сайтидан рўйхатдан ўтасиз – тамом-вассалом! Инсон омили тугатилган. Илгари битта мутахассислик танлардингиз – ҳозир бешта! Бу йилдан “Давлат гранти устуворлиги” деган банд киритилгани ҳаммани хурсанд қилди. Нафақат кундузги, балки сиртки ва кечки ўқувларга ҳам бир варақайга ҳўжжат ва имтиҳон топширасиз. Тўплаган баллингиз қайсинга етса, ўша йўналишда талаба бўласиз. Жорий мавсумдан қулайликлар қатори масофавий таълим шакли билан тўлдирилди.

Қачон шундай бўлган? Аввал 1 август куни топширилган тестнинг жавобини кутиб сарғаймаган соч қолмасди. Кўзлар тўртга айланарди. Жавоблар чиқибди деган куни эълон тахтаси олдида тўплаган оломон ва уларнинг шовқини асти қўяверасиз. Бақир-чақирлар қулқони қоматга келтирарди.

Энди-чи? Пойтахтдаги олий ўқув юртига киришни ниёт қилган Тошкентга келиши шарт эмас. Ўзи ашайдиган вилоят марказида имтиҳон топшириш имконияти мавжуд. Тестнинг эртасига жавоб тайёр – институту университетларга бориш шарт эмас. Қўлингиздаги телефонга келади натижа. Қайсига тўғри, қайсига нотўғри жавоб берганингиз кўришиб туради – истанганча ишончли манбалардан текшираверасиз.

Бугун тест синовларини интернет орқали онлайн куза-тиш мумкин. Имтиҳон жойига ДТМ ташлаб берган локация орқали қийналмасдан етасиз. Абитурентнинг ID карта ёки паспорти бўлса кифоя. Ҳатто ручка-қалами, чанқовбосди сувни, қуёш нуридан ҳимояловчи бош кийимини ҳам беришади. Ота-оналар учун кутиш жойлари ҳозирланади. Кўчма хизмат кўрсатиш шохобчалари ташкил этилади.

Янги Ўзбекистонда эл азиз, инсон азиз, дегани шу эмасми аслида?!

#### СОЛИҚ СОЛИНМАЙДИГАН БОЙЛИК

Бенжамин Франклиннинг таъбирича, дунёда ҳеч нарса солиқ ва ўлим каби муқаррармас. Дарҳақиқат, дунёдаги деярли барча мамлакатлар қонунчилигининг ўхшаш жиҳати бор. У ҳам бўлса ҳар қандай даромад ва орттиридан бойликларнинг фоизлар ҳисобидида солиқларини ўз вақтида тўлаш мажбурийлигидир. Кўп давлатларда солиқлардан қочиш одам ўлдириш жиноятидан кейинги поғонага қўйилган. Баъзи юртларда эса белгиланган муддатда солиқ тўламагандар Ватанга хиёнатда айбонлиги мумкин. Чунки солиқлардан йўқилган маблағ, энг аввало, тинчлик ва хавфсизликни асраш, чегаралар дахлсизлигини таъминлаш, соғлиқни сақлаш ва таълим муассасаларини қўллаб-қувватлашга йўналтирилади.

Лекин шундай бебаҳо бойликлар борки, унга солиқ солинмайди. Бу ҳар бир инсоннинг маънавий бойлигидир.

Жаҳоннинг ҳеч бир нуқтасида интеллект солиғи, билими кўплиги учун йиғим жорий этилмаган. Аксинча, илмий салоҳият, юксак маънавият ва теран тафаккур туфайли яратилган иштироқлардан фойдаланганлар унга муаллифлик ҳақини тўлайди.

Пули кўплар божхонада мажбурий тартибда декларация тўлдириб, ҳисоб беради. Билими кўплар чегарани кесиб ўтишда бождан озод. Пул бир кунда ғойиб бўлиши мумкин. Билим ишлатилгани сайин ўз-ўзидан янада кўпайиб боради. Пул ҳар доим сизнинг ёнингизда бўлмайди. Билим эса ҳатто ҳаммомда ҳам ўзингиз билан бирга қолади.

Шу маънода кейинги йилларда Ўзбекистоннинг интеллектуал бойлиги сезиларли равишда ошиб бораётгани диққатга сазовор. Мамлакатдаги маънавий барқарорлик билимни кўпайтиришга замин яратиши баробарида ёт иллатларга нисбатан иммунитетни ҳосил қилиш имконини бераётгани ҳам катта бойлик аслида. Маънавият – жаҳолатни тағ-томири билан қуритадиган бебаҳо вакцинадир. Шунинг учун ҳам кўп масалаларни осон ечишда қўл келадиган кенг дунёқараш солиққа тортилмайди.

Қизиғи шундаки, жамият ва ундаги оилалар осийишталлигининг бир тиргаги маънавият бўлса, иккинчи ёни солиқ тушумлари билан мустаҳкамдир. Қўшнинг кўш қаноти гўё.

Солиқлар масаласига еттида устувор йўналишдан иборат “2022 – 2026 йилларга мўлжалланган Янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегияси ва уни “Инсон қадрини улғулаш ва фаол маҳалла йили”да амалга оширишга оид давлат дастурини тасдиқлаш” тўғрисидаги Президент фармонининг дастлабки бандларидан жиддий эътибор қаратилганининг ўзиёқ ушбу соҳанинг аҳамиятини намоён этиб турибди. Жумладан, Молия вазирлиги ва Давлат солиқ қўмитасига Солиқ кодекси ва бошқа қонунчилик ҳужжатларида тегишли ўзгаришлар киритишни назарда тутувчи норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар лойиҳаларини тайёрлаш, 2022 йилда инфляция даражасини 9 фоизгача, 2023 йилда 5 фоиз ҳамда фискал тақчилликни 3 фоизгача пасайтириш чораларини кўриш топширилган. Бунда келаси йилдан қўшилган қиймат солиғи ставкасини 12 фоизгача, банк, молия ва телекоммуникация каби тадбиркорлик йўналишларида фойда солиғи ставкасини 15 фоизгача тушириш вазифаси қўйилган.

Тараққиёт стратегиясининг 29-мақсадидан ўрин олган яна бир улғувор иш бизнес тузилмаларга алоҳида мотивация бағишлаши тайин. Бунда ҳусусий секторнинг ялпи ички маҳсулотдаги улушини 80 фоизга ва экспортдаги ҳиссасини 60 фоизга етказиш баробарида 2026 йил бориб тадбиркорлик субъектларига солиқ юкласи ялпи ички маҳсулотнинг 27,5 фоизидан 25 фоизи даражасига камай-тирилади.

Мамлакатнинг фискал тизими бу – давлат даромадлари ва харажатларининг тўлиқ тузилиши, маблағларни йиғиш ва сарфлашни бус-бутунлигича акс эттирувчи халқа, десак муболага бўлмайди. Ушбу тизим узоқни кўзловчи иқтисодий сиёсат юритиш орқали оқилона бошқарилади.

Айримлар фискал соҳа деганда фақат солиқ солиш ва солиққа тортиш тартибларини, солиқларни муайян фоиз ставкаларида мажбурий ундиришни ўйлашади, холос. Лекин бу борадаги тушунчалар ҳам, мавжуд масалаларнинг ечимига муносабат ҳам тубдан ўзгарган. Янги Ўзбекистондаги солиқ сиёсати ставкаларни бошқичма-бошқича камай-тириш, аммо солиқ базасини ҳеч қимга оғирлик солмаган ҳолда кенгайтириш орқали умумий тушум миқдорини сезиларли равишда кўпайтиришдан иборат. Чунки ўз олди-га улғувор мақсадларни қўйган давлатнинг харажатлари шунга яраша бўлиши табиий. Ғазна эса биринчи навбатда солиғу йиғимлар орқали мустаҳкамланади.

Бошқаларни билмадим-у, ривожланиш, юксалиш деса, менинг кўз олдимга камалак келади. Аммо уни ҳамма кўра олмайди. Кўрганларнинг ҳаммаси бу гузалликнинг фалсафасини англамайди. Фақат сиқчовлар, хушёр кузатувчилар диллари яйрайди. Эзгулик ташувчиларгагина насиб этакча бундай бахт.

Тараққиёт стратегияси ҳам камалакнинг етти ранги сингари етти йўлдан иборат. Камалак ранглари уй-ғунлиги каби стратегиянинг юз мақсади бир-бирини ўзаро тўлдириб боради. Босқичдан босқичга тобора ёрқинроқ намоён бўлаверади мўддо. Марра сари интилган қатъий иродадани эса синдириш даргумон. Худди камалакни пар-чалаб бўлмаганидек.

Озод РАЖАБОВ,  
шарҳловчи



#### ОҚҚАН ДАРЁ ВА БЭКГРАУНД

Шахматнинг бошқа спорт турларидан фарқи жиҳатлари нималардан иборат? Интеллектуал уйинлиги билан дегувчилар бироз адашади. Боиси унда арифметик аниқликдан ташқари, фалсафа ва тарих, санъат, спорт ва ҳарб илми мужассам. Рақибнинг фикрини ўқий олиш ва унинг кейинги ҳаракатларини тахмин қила билишдек психолог туйғулар ҳам шахматчининг асосий қуроли саналади. Бир сўз билан айтганда, юксак салоҳиятсиз бу уйинда муваффақият қозониб бўлмайди.

Салоҳият эса теран томирлардан куч олади. Билимнинг пойдевори ҳисобланган маънавий илдишлар қанчалик чуқур кетган бўлса, унинг моддий-шаклий қиёфаси шунчалик ёрқин намоён бўлади. Яъни, оққан дарё оқаверади. Бу айни ҳақиқат. Бироқ давр глобаллашгани сайин шу кўҳна фалсафага ҳам ўз ҳаракатларимиз эвазига қўшимча кири-

тиш ва янада кўпроқ куч бағишлаш эҳтиёжи юзага келди. Мана, олти йилдики, мамлакатда ана шундай сиёсат юри-тиляпти. Интеллекта инвестиция аямаяпти. Давлат маб-лағларининг салмоқли қисми таълимга, маърифий-маъна-вий тарбияга тикиляпти.

Келажакка сармоя, деган ғоя ундан аввал ҳам бор эди-ку, дея эътироз билдиришга шошилманг. Буни ҳеч ким инкор қилмайди. Лекин ўша ғоя аксар ҳолларда фақат ғоя сифатида қўлланарди. Коррупция аталмиш бало бошлан-ган амалий ишнинг қутилган манзилгича етиб боришга йўл қўймасди. Бюджет пулини сохта ширлар никоҳида туя қилишни эллаган мутасаддининг рейтингини нега юқори-лигини, не сабаб обрўси бошқалардан баландроқ эканини тушунмасдик.

Энди вазият ўзгарди. Соҳалар ва худудлар кесими-да маблағни тўғри ажратиш тизими яратилди. Молиявий барқарорлик ўрнатилди. Миллионлаб ёшларга мотивация бағишлайдиган усуллар сиёсат даражасига кўтарилди.

◀ Бошланиши 1-саҳифада.

ИШБИЛАРМОН АЁЛ - 2022

## ЎЗБЕК АЁЛИ - ЭНГ ИШБИЛАРМОН, ЭНГ УДДАБУРОН ВА ЭНГ МАТОНАТЛИ

“Ишбилармон аёл - 2022” кўрик-танловининг республика якуний натижалари барча қузатувчида ана шундай иқрорни яна бир бор мустаҳкамлади



ЖИЗЗАХ

“АЁЛЛАР” ВА “ЁШЛАР”  
ДАФТАРИДАГИЛАРНИ  
ИШЛИ ҚИЛДИ

Айни кунларда мамлакатимизнинг барча ҳудудларида кезиб юрган байрамона кайфият жойларда бўлиб ўтаётган кўрик-танлов ва бошқа маданий-маърифий тадбирларда акс этмоқда. Жиззах шаҳридаги Ёшлар инновацион марказида бўлиб ўтган “Ишбилармон аёл - 2022” кўрик-танловининг ҳудудий республика босқичида ҳам бу ҳол яққол кўзга ташланиб турди.

Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутатлари – Феруза Нигматова, Сардор Ғиёсов, O'zLiDeP Сийёсий Кенгаши Аёлларнинг сиёсий фаолиги, жамиятдаги ўрни ва макъени ошириш бўлими мудири Севара Муслимова, партия Жиззах вилоят кенгаши раиси Эркин Холмазов, Касаба уюшмалари ташкилотлари бирлашмаси Жиззах вилоят кенгаши раиси Нусратулло Пардаев, Ўзбекистон Савдо-саноат палатаси Жиззах вилоят ҳудудий бошқармаси бошлиғи Акрам Раҳмонқулов, вилоят “Тадбиркор аёл” ассоциацияси раиси Нозима Тугалова шаҳар ва туманларда ғолиб деб топилган 13 нафар ишбилармон аёлнинг кўргазмаларини кўздан кечириб, ҳолисона баҳолаб борди. Баҳолаш жараёнида иштирокчиларнинг нечоғли янги иш ўринлари яратгани, экспорт салоҳияти, инвестициялар жалб қилишдаги ҳиссаси кабилар алоҳида эътиборга олинди.

Ҳакамлар ҳайъатининг хулосаларига кўра, Шароф Рашидов туманидаги “Гулчи опа” кластер хизмати иш бошқарувчиси Озода Эргашева ғолиб деб то-

пилди. Мазкур кластер хизматида бугунги кунда 114 нафар иш ўрни яратилган. Эътиборга молик томони, уларнинг 50 нафари “Аёллар дафтари”, 35 нафари эса “Ёшлар дафтари”да рўйхатда турганлардир.

Иккинчи ўринга лойиқ деб топилган Зафаробод туманидаги “Боғбоши” фермер хўжалиги раҳбари, “Дўстлик” ордени соҳиби Сагадат Ҳалимова узоқ йиллардан бери ер билан тиллашиб келаётган аёллардан бири.

– Ушбу танлов вилоятимиздаги барча ишбилармон опа-сингилларимиз учун мулоқот майдони. Бугун ҳам иштирокчилар тайёрлаган кўргазмаларни кўриб, ўзаро фикр алмашдик. Тажрибаларимизни ўртоқлашдик. Ҳатто баъзилари билан ўзаро ҳамкорлик қилиш тўғрисида келишиб олдик, – дейди Сагадат опа.

Учинчи ўринни эгаллаган “Тули Чарос” хусусий корхонаси раҳбари, зарбдорлик Гулноза Тангирбердиева ҳам ёш бўлишига қарамай 30 нафар доимий ва 40 нафар мавсумий иш ўрни яратишга муваффақ бўлган. Ибратга молик бундай мисолларни кўрик-танлов иштирокчиларининг барчаси фаолиятида кўриш мумкин.

Умуман олганда, танлов иштирокчиларини фақат шартли равишдагина ғолиб ва совриндорларга бўлиш мумкин. Аслида уларнинг ҳар бири ўзлари фаолият олиб бораётган соҳаларда қўлга киритаётган ютуқлари, оилалари ва эл-юрт фаровонлиги йўлида қилаётган фидокорона меҳнатлари, интилишлари билан ҳар қандай эътирофга, эъзозга лойиқ.

O'zLiDeP Жиззах вилоят кенгаши  
матбуот хизмати

ТОШКЕНТ ШАҲРИ

АСТОЙДИЛ  
ҚИЛИНГАН МЕҲНАТ  
САМАРАСИЗ БЎЛМАЙДИ

Танловнинг Тошкент шаҳар якуний босқичида жами 13 нафар тадбиркор хотин-қиз иштирок этди. Пойтахтдаги Марказий темир йўлчилар маданият саройи шу куни иштирокчиларнинг кўргазмага қўйган маҳсулотлари билан безалди. Ўз навбатида, Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутатлари, O'zLiDeP фаолларидан иборат ҳакамлар ҳайъати аъзолари уларнинг ишини ҳолис баҳолаб борди.

Натижаларга кўра, 1-ўрин Сергели туманидаги “KING GARMENT TEXTILE” МЧЖ раҳбари Гулрух Худойбердиевага насиб этди. Эътироф жоиз, ишбилармон 250 дан ортиқ ишчи ўрни яратган. Маҳсулотлари асосан экспортга йўналтирилади, Қозоғистон, Тожикистон, Россия ва Европа бозорларини забт этди. Корхонада, шунингдек, ички бозор учун импорт ўр-

нини босувчи тикув учун ип ва турли маҳсулотлар ҳам ишлаб чиқарилади.

2-ўринга Бектемир туманидаги “URBAN STYLE” МЧЖ раҳбари Камола Алиева муносиб топилди. Корхона “Look at me” бренди остида аёллар кийим-кечакларини ишлаб чиқаради. Маҳсулотлар асосан Қозоғистон, Тожикистон ва Россияга экспорт қилинади. 50 дан ортиқ ишчисига эга ишбилармон ҳозирда уларнинг саффини 100 нафарга етказиш устида изланмоқда.

3-ўринга Миробод туманидаги “ИМДИ” болалар либослари ишлаб чиқариш корхонаси раҳбари Гулрух Абдуҷабборова маҳалладаги ишсиз аёлларни иш билан таъминлаб келмоқда. Ҳозиргача ана шундай 37 нафар хотин-қизни банд қилди. Узининг айтишича, бир кунда 100 дан ортиқ маҳсулот ишлаб чиқарилиб, талабгорларга етказилар экан.

Беллашувда, шунингдек, “Энг ёш, фаол аёл тадбиркор”, “Йилнинг мурувватли, ишбилармон аёли”, “Инвестицияларни жалб қилишда ташаб-

бус кўрсатган аёл”, “Замонавий ташаббускор аёл”, “Энг ёш, фаол аёл тадбиркор” номинацияси бўйича ҳам ғолиблар аниқланди.

– Бундай кўрик-танловларнинг ўтказилиши ҳамкасбларимиз билан фикр алмашиш, фаолиятимизни янада кенгайтириш, янги ҳамкорлар топишга ёрдам беради, – дейди “Назокат” ўқув маркази раҳбари, танловнинг “Замонавий ташаббускор аёл” номинацияси ғолиби Назолат Шерматова. – Хотин-қизларимизга ҳунар ўргатиш жамоамизнинг асосий мақсадида айланган. Келажакда нафақат Тошкентда, балки вилоятларда ҳам касб-ҳунар мактабларини очишга қарор қилдик.

Барча ғолиб ва пешкадар аёллар O'zLiDeP ҳамда ҳамкор ташкилотларнинг дипломи ва эсдалик совғалари билан тақдирланди. Эл ардоғидаги санъаткорларнинг куй-қўшиқлари эса тадбирга ўзгача файз, шухуқ бағишлади.

Гавҳар ЭШОНҚУЛОВА,  
ЎЗЖОКУ талабаси

НАВОИЙ

## ҲАМ РАҚОБАТ, ҲАМ МАЛАКА, ҲАМ ТИЖОРАТ



Навоий вилоятида ўтказилган кўрик-танловда иштирок этган тадбиркор аёллар ҳар соҳада фаол, изланувчан ва ташаббускорлиги билан ажралиб турди.

Вилоят Маънавият ва маърифат марказида ташкил этилган кўрик-танловнинг ҳудудий республика босқичида ишлаб чиқариш, хунармандчилик, фермерлик соҳасида ўз фаолиятини олиб бораётган тадбиркор аёллар орасидан номинация ва ғолибларни аниқлаш мақсадида ҳакамлар ҳайъати аъзолари иштирокида тадбиркор хотин-қизларнинг кўргазмалари кўздан кечирилди. Шунингдек, улар томонидан тадбиркорликни бошлаш истигад бўлган хотин-қизлар учун маҳорат дарслари ўтказилди. Тадбирда ёш раҳбар қизларнинг расмлари кўргазмаси, хунармандларнинг хунармандчилик маҳсулотлари, вилоят Хотин-қизлар тадбиркорлиги маркази-

нинг “RENESE ART” йўналишидаги амалий кўргазмалари иштирокчиларда катта таассурот қолдирди.

– Кўрик-танловда биринчи марта иштирок этишим. Давлат хусусий шерикчилиги асосида 3 та мактабгача таълим ташкилоти раҳбари бўлиш билан биргаликда, “Евро мустанг” ун ишлаб чиқариш корхонаси ва “Наргиз диёр” кўп тармоқли фермер хўжалиги раҳбариман. Бугунги кўрик-танловнинг мустақиллик байрами арафасида ўтиши мени жуда қувонтирди. Вилоятимизнинг турли туманларидан келган тадбиркор, фермер опа-сингилларимиз ишларини кўриб, тўғриси, ҳайратландим ва амалга ошираётган ишларини ҳали етарли эмас, деган хулосага келдим. Ўз олдимга фаолиятимни янада кенгайтириб, кўп иш ўринлари яратишни мақсад қилдим, – дейди тадбиркор, кўп тармоқли фермер хўжалиги раҳбари Сарвиноз Раҳмонова.

Ҳакамлар ҳайъати хулосасига кўра, қарманалик иштирокчи, “Ал-Азиз ипаги” ипаччилик кластери раҳбари, БМТ Иқтисод комиссияси аъзоси Жумагул Ражабова танловнинг мутлақ ғолиби деб эълон қилинди.

– Бу йил беллашувда иккинчи бор иштирок этишим. Мақсадим олий ўринларга эришиш. Кўрик-танловда мутлақ ғолибликни қўлга киритган ҳамкасбимга ҳавас қилдим. 1 700 та оилани иш билан таъминлаб, 78 нафар 28 ёшгача бўлган хотин-қизни ипаччилик корхонасига, ундан ташқари, 700 нафар мавсумий ишчига раҳбарлик қилиш учун катта куч, тажриба ва албатта билим керак бўлади. Бу гал ҳам танловдан янада янги ғоялар, куч олдим ва ҳамкорлар топдим, – дейди “Йилнинг мурувватли, ишбилармон аёли” номинацияси ғолиби Мунира Ҳамроева.

Шу куни Ўзбекистон Давлат филармонияси Навоий вилояти бўлинмасининг ижодкорлари қуйлаган куй-қўшиқлар, бадиий чиқишлар тадбирнинг байрамона кайфиятда ўтишини таъминлади.

Шалола ШОКИРОВА,  
O'zLiDeP Навоий вилояти кенгаши  
бўлим мудири

ҚАШҚАДАРЁ

## НЕКИ ТОПДИМ – ФАҚАТ МЕҲНАТ-ҒАЙРАТИМДАН

Кўрик-танловнинг Қашқадарё ҳудудий республика босқичи Шахрисабз туманида жойлашган “Лочин” оромгоҳида ташкил этилди. Вилоятнинг шаҳар ва туман босқичларида ғолибликни қўлга киритган ишбилармон аёллар хусусий тадбиркорлик, фермерлик, маҳаллий ишлаб чиқариш, хунармандлик соҳасидаги салоҳиятларини намойиш этишди.

Китоб туманидаги “Кук чинор” кўп тармоқли фермер хўжалиги раҳбари Зарифа Хидирова олти йил муқаддам фермер хўжалиги ташкил этиб, узумчилик ривожига ҳисса қўшиб келмоқда. Утган даврда 120 тонна қора кишимини хорижага экспорт қилди. Хўжалигида 45 киши меҳнат қилади. Янги истиқболли лойиҳаларни ҳаётга татиқ этиш борасида амалий ишларга қўл урмоқда.

– Танловда илк бор қатнашяман, – дейди Дехқонобод тумани Бешбулоқ қишлоғида фаолият олиб бораётган хунарманд Дилобар Рўзमतова. – Каттагина тажриба орттирдим, мамлакат ишбилармонлик олами билан танишдим, бизнесда йўл қўйган хатоларимни

англаб етдим. Тумандошларимиз асосан чорваччилик билан шугулланади. Шу боис жун маҳсулотлари бизда жуда бисёр. Одамлар бизга мол-қўйларидан олган жунларини келтириб сотишади. Биз улардан гиламлар тўқиш, бозорга чиқаришимиз. Жоғори, тақир, қоқма, шойи, чумчуқ тили деб номланувчи гиламларимиз харидордир. Моҳир гиламдўзларнинг бошини қовуштириб, гиламчилик фабрикаси ташкил этиш ордун бор.

– 70 гектар ерга пахта-ғаллани алмашлаб экиб, яхшигина даромад қилиб келяпмиз, – дейди чироқчилик фермер Шоҳиста Келдиёрова. – 15 кишини доимий иш билан таъминлаганман. 16 нафар хотин-қиз ва ёшларни хўжалигимга ишга олганимдан сўнг улар “Аёллар” ва “Ёшлар” дафтарида чиқарилди. Президентимиз ташаббуси билан амалга оширилаётган “Инсон қадрини” тамойили асосида 10 миң товуқ боқишга мўлжалланган паррандачилик комплексини ишга туширмоқчиман.

– Кўрик-танловнинг туман-шаҳар босқичлари иштирокчилари сони йил сайин кўпайиб бораёттир, – дейди O'zLiDeP Қашқадарё вилоят кенгаши аёлларнинг сиёсий фаолиги, жамиятдаги ўрни ва макъени ошириш бўлими мудири Гулбаҳор Тўраева. – Айниқса, фер-



мер аёллар анчагина, мана бу йил ҳам ўнга яқини иштирок этапти. Баҳолаш жараёнида кўп тармоқли ишлаб чиқаришни ривожлантириш ва доимий иш ўринлари яратишдаги фаолиги, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ривожлантириш борасидаги ташаббуслар эътиборга олинди. Аҳолининг ижтимоий ҳимояга муҳтож қатлами бўлган ногиронлар, қаровчисиз кексалар, кам таъминланган оилаларга моддий, маънавий жиҳатдан ғамхўрлик қилган, тадбиркорлик ва фермерлик фаолиятини ривожлантириш мақсадида янги инновацион лойиҳалардан самарали фойдаланган ҳолда “Аёллар дафтари”, “Ёшлар дафтари”, “Темир дафтар”-га киритилган фуқароларни иш билан таъминлаган ишбилармон аёл-

лар танлаб олинди. Шу куни хотин-қизлар раҳбарлик қилаётган бир қатор илғор корхоналарга борилди. Таниқли ишбилармон аёллар ёш қизларга ўз фаолиятлари хусусида сўзлаб беришди. Натижаларга кўра, 1-ўрин қамашчилик оилавий тадбиркор Сайёра Тожиёвага, 2-ўрин шахрисабзлик хунарманд Зухра Хайруллаевага, 3-ўрин китоблик фермер Зарифа Хидировага насиб этди.

Ғолиб ва совриндорларга ташкилотчиларнинг дипломи, ташаккурнома ва эсдалик совғалари топширилди.

Сайфулла ИКРОМОВ,  
“XXI asr” мухбири

Танловнинг ҳудудий республика босқичлари давом этмоқда.

САМАРҚАНД

ЗАРДЎЗИ  
ЛИБОСЛАР  
КЎЗНИ  
ҚУВНАТДИ

Бугунги кунда Самарқанд вилоятида 22 миңдан ортиқ киши тадбиркорлик билан шугулланаётган бўлса, уларнинг 3 миңдан зиёдини хотин-қизлар ташкил қилади.

Жорий йилда “Ишбилармон аёл” анъанавий кўрик-танловининг қуйи босқичларида 1 022 нафар опа-сингилларимиз хусусий тадбиркорлик, фермерлик, хунармандчилик ва ишлаб чиқариш соҳаларида ўз салоҳиятини намойиш этди. Улар орасидан сараланган 16 нафари танловнинг вилоят якуний босқичида яна бир бор баҳс юритдилар.

Танлов жараёнида иштирокчилар фаолиятини баҳолашда ишбилармонларнинг замонавий ишлаб чиқаришни йўлга қўйиш орқали янги иш ўринлари яратгани, экспортга йўналтирилгани

ёки импорт ўрнини босадиған маҳсулот ишлаб чиқаргани, аҳолига хизмат кўрсатишни қай даражада ташкиллаштиргани инобатга олинди.

Натижага кўра, 1-ўринга Самарқанд туманидан зардўзлик йўналишида миллий кийим-кечак маҳсулотлари билан иштирок этган “Зулхумор” хусусий корхонаси раҳбари Зулхумор Зоҳидова, 2-ўринга Жомбой туманидан “Шербоев Муродулло” чорваччилик фермер хўжалиги раиси Гулчеҳра Шербоева ва 3-ўринга Тойлоқ туманидан “Фарҳод монтаж сервис” МЧЖ директори Сабина Ҳақимова муносиб кўрилди.

Ғолиб ва совриндорларга диплом ҳамда қимматбаҳо совғалар топширилди.

O'zLiDeP Самарқанд вилоят кенгаши  
матбуот хизмати

ДАВЛАТ МУКОФОТИГА НОМЗОДЛАР

# ЗАР ҚАДРИНИ БИЛГАН ЗАРГАР

Бошланиши 1-саҳифада.

**Н.Муҳаммединов ўз касби туйфайли эл-юрт ҳурматиға сазовор бўлган устоз санъаткорлардан биридир. Унинг сермазмун ижоди ва бетакрор музыка асарлари тингловчилар қалбидан чуқур жой олган. Композиторнинг куй ва кўшиқларида миллий руҳ ва шукӯҳ мужассам. Асарларида қорақалпоқ халқининг тарихи ва гўзал қадриятлари ўз аксини топади, эл-юрт осойишталиги ва тараққиёти, она Ватанга бўлган чексиз муҳаббат ва садоқат туйғулари авж пардаларда тараннум этилади.**  
**Н.Муҳаммединов музикасини басталаган Қорақалпоғистон Республикасининг мадҳияси бу фикримизга яққол мисолдир. Товушларнинг кенг “қадамлари” билан бошланувчи мазкур куй ритмик ва динамик жиҳатдан ривожлана бориб, тасаввурингизда бепоён кенгликлардан иборат юрт ва ана шу юртда яшаётган бағрикенг, самимий ва меҳнатқаш инсонлар сиймоси намоён бўлади.**

Н.Муҳаммединов кўп йиллик самарали ижодий фаолияти давомида турли жанр ва шаклларда 300 дан ортиқ музика асарлар яратди. Сўзда ва рақамда осонгина ифодаланган бу рақам замирида ижодкорнинг ярим асрдан ортиқ заҳматли ижодий меҳнати, тинимсиз ижодий изланишлари, профессионал маҳорати ва тажрибаси ётади.

Музикали саҳна асарлари, симфоник музика, хорлар ва кўшиқлар Н.Муҳаммединов ижодидида етакчи жанрларни ташкил этади. “Ажиниёз” ва “Гулолим” опералари, “Айжамал” балети, “Алпомиш” музикали драмасы, “Тўққиз тунқиллоқ, битта чанқиллоқ” музикали комедияси, “Қорақалпоғистон” кантатаси, “Гулла-яшна, Ўзбекистоним!” симфоник поэмаси, “Хореография манзаралар” симфоник сюитаси, “Аму марвариди”, “Муздақиллик гулери” вокал туркумлари композитор ижодининг гултожи бўлган асарлар сирасига киради. Халқ чолғулари оркестри учун ёзилган “Кўбиз наволари” пьесаси, камер чолғу музикаси ёш авлодни юксак маънавий идеаллар руҳида тарбиялаш ва навқирон музикачиларнинг ижро маҳоратини

оширишда муҳим ўрин тутмоқда.

Н.Муҳаммединов опера ва балет жанрларига мурожаат қилган биринчи қорақалпоқ композиторидир. Хусусан, атоқли қорақалпоқ шоирига бағишланган “Ажиниёз” деб номланган ilk қорақалпоқ операси, “Айжамал” биринчи балети ҳам айнан Н.Муҳаммединов қаламига мансуб. Бу асарларда композитор жанр хусусиятларидан кенг ва унумли фойдаланган ҳолда миллий руҳиятни, машҳур тарихий шахслар сиймосини чуқур очиб беришга муваффақ бўлган. Операда қорақалпоқ халқининг машҳур “Элларим бордир”, “Бўзатов” кўшиқлари янгича кўринишда ўз ифодасини топган. Ажиниёз образи тимсолида композитор қорақалпоқ адабиётининг оддий инсонлар ҳаётида тутган ўрнини очиб берган.

Шунингдек, “Айжамал” балетидида ёш қорақалпоқ кизи тимсолида беғубор ёшлик, муҳаббатга ошuftа қалблар ва ўз туйғулари учун курашувчи қаҳрамонлар сиймоси гавдаланади. Асарда ёшлик шижоати, персонажлар ўртасидаги зиддиятлар музика тили орқали катта маҳорат билан тасвирланади. Мазкур асарларда акс эттирилган миллий ва умуминсоний қадриятларнинг ўзаро боғлиқлиги опера ва балетнинг профессионал даражасини белгилаб берибди. “Ажиниёз” операси 2014 йилда Бердақ номидаги Қорақалпоқ давлат академик музикали драма театрида қайта саҳналаштирилди, 2016 йилда эса Алишер Навоий номидаги Ўзбекистон давлат академик катта театрида саҳна юзиди кўриб, мухлислар олқишига сазовор бўлди. “Айжамал” балети 2017 йилда янги таҳрирда томошабинлар эътиборига ҳавола этилди. Мазкур музикали саҳна асарлари клавиралининг ўзбек, қорақалпоқ, рус ва инглиз тилларида нашр қилиниши эса уларнинг дунё бўйлаб кенг тарқалишига ва барча давлатларда ижро этилишига кенг имконият яратди.

2017 йилдан Президентимиз ташаббуси билан Ўзбекистон маданияти ва санъатини янада ривожлантириш ва халқаро миқёсда кенг тарғиб қилиш мақсадида юртимизда халқаро Мақом санъати анжумани ҳамда халқаро Бахшичилик санъати фестивалларини мунтазам ўтказиш аънаъаси жорий қилинган маданий ҳаётимизда улкан воқеа бўлди. Бундан руҳланган Н.Муҳаммединов кейинги вақтларда ўз ижодидида халқ меросига қайта-қайта мурожаат қилиб, янги, сермазмун асарлар яратиш устида

ишламоқда. 2019 йил 30 сентябрда Бердақ номидаги Қорақалпоқ давлат академик музикали драма театрида композиторнинг Қорақалпоғистон халқ шоираси Гулистон Матякубова либреттосига ёзган “Гулолим” этноопера си тақдими ўтказилгани бунинг яққол далилидир.

“Қириқ қиз” этно-достони мотивлари асосида ёзилган мазкур опера ва танпарварлик руҳи, меҳр ва муҳаббат туйғулари билан йўғрилган. Операда Ватанининг содиқ фарзанди, Тумарис авлоди бўлган 17 ёшли Гулолимнинг қириқ нафар жасур қиз билан биргаликда ота юрти Туркистонни босқинчилардан мардона ҳимоя қилиши ва бу йўлда кўрсатган жасорат ва матонати гўзал миллий оҳанглар ёрдамида юксак санъаткорона руҳда тасвирлаб берилган. Изланувчан композитор мазкур асарда биринчилардан бўлиб оркестрга жиров-бахши партиясини киритади ва хар бир кўриниш воқеалари бахши томонидан тасвирланади. Опера жанридаги бундай янги ҳаётда эса композиторни дастлабки этноопера муаллифи деб аташимизга асос беради.

Н.Муҳаммединов қорақалпоқ ва ўзбек миллий маданияти ҳамда санъатини пухта биладиган, ўз ижодидида халқимиз музика меросидан унумли фойдаланадиган композиторлардан биридир. “Гулла-яшна, Ўзбекистоним!” симфоник поэмаси унинг қардош ва жондош халқларнинг абадий дўстлигини мадҳ этувчи йирик жанрдаги асарлар қаторига киради. Композиторнинг Ўзбекистон халқ шоири Иқбол Мирзо шеърига ёзган “Ўзбек билан қорақалпоқ – қон-қардош” ва “Қадрдоним”, “Ўзбекистоним”, “Бугун байрам” каби кўшиқлари ҳам бу икки қондош ва жондош халқларнинг бирдамлигини, бир-бирига бўлган ҳурмат-эҳтиромини мадҳ этувчи асарлардан ҳисобланади.

Муҳтарам Президентимиз бошчилигида Қорақалпоғистон Республикаси ҳудудлари, хусусан, Мўйноқ туманида яшаётган юртдошларимизнинг яшаш шароитларини яхшилаш, Оролбўйи экологик ҳолатини яхшилаш ва қуриган денгиз ўрнида ҳимоя саксовулзорларини яратиш бўйича амалга оширилаётган оламшумул ишлар изланувчан санъаткор Н.Муҳаммединовнинг қалбиди фахр ва ифтихор туйғусини янада кучайтириб, уни янги ижодий режалар сари илҳомлантирган алоҳида қайд этиш лозим. Эл-юрт равнақи, қисқа муддатда Мўйноқнинг қиёфаси бутунлай ўз-

гариб кетганлиги, бу заминда олиб борилаётган ўзгаришлар ва эришилаётган ютуқлар композиторнинг “Келинг, дўстлар, Мўйноқ томонларга”, “Яшайвер, Оролим, Мўйноғим, Мўйноқ!” номи кўшиқларида ўзининг ёрқин ифодасини топди. Республика ва халқаро танловлар совриндорлари бўлган истеъдодли ёш хонандалар ижросида турли нуфузли анжуман ва фестивалларда янграган бу кўшиқлар кенг жамоатчилик эътиборини қозониб, янгилаётган Мўйноқнинг ўзига хос мадҳиясига айланди.

Н.Муҳаммединовнинг серқирра ва самарали ижоди ҳақида жуда кўп гапириш мумкин. У киши айни пайтда санъат соҳасида истеъдодли ёшларни ҳамда малакали мутахассисларни тарбиялаш борасида алоҳида жонбозлик кўрсатмоқда. Қолаверса, жамоат ишларидаги фаоллиги ҳам таҳсинга лойиқ. Н.Муҳаммединов Зулфия номидаги давлат мукофоти, “Ниҳол” давлат мукофоти ва “Ягонасан, муқаддас Ватан!” кўрик-танловларининг Республика ҳайъат раиси сифатида ёшлар орасидан она Ватан ва гўзаллигини юксак пардаларда мадҳ этувчи янги истеъдод эгаларини кашф қилиш борасида жуда катта хизмат қилмоқда. Унинг раҳбарлигида Қорақалпоғистон композиторлари ва бастакорлари уюшмаси мамлакатимиз мастақиллигининг жаҳон миқёсидаги шон-шухратини ошириш, халқимизнинг маънавий-маърифий савиясини юксалтиришга катта ҳисса қўшиб келмоқда. Ўзбекистон ва Қорақалпоғистон музика маданиятида ўз сози ва овозига эга бўлган, музикага умрини бахшида этган Наҳиммадин Муҳаммединов том маънода, ўзининг бетакрор ижоди, серқирра фаолияти билан миллий аънаваларни композиторлик ижодийида тўлақонли акс этиб берган устоз санъаткордир.

Шуларни ҳисобга олиб, Н.Муҳаммединовнинг бир қатор музика асарлари санъат ва меъморчилик соҳасида давлат мукофотиға тавсия қилинган мамлакатимиздаги барча композитор ва бастакорларнинг айни кўнглидаги иш бўлди, дейиш мумкин. Зотан, Н.Муҳаммединов ана шундай эъзоз ва эҳтиромларга ҳар жиҳатдан лойиқ бўлган улкан санъаткордир.

**Рустам АБДУЛЛАЕВ,**  
**Ўзбекистон композиторлари**  
**ва бастакорлари уюшмаси раиси,**  
**Ўзбекистон санъат арбоби,**  
**композитор, профессор**

О'zLiDeP СИЁСИЙ КЕНГАШИ ИЖРОИЯ ҚЎМИТАСИДА



## ҚИММАТЛИ ҚОҒОЗЛАР БОЗОРИ

уни қандай ривожлантириш мумкин?

**Куни кеча О'zLiDeP Сиёсий Кенгаши Ижроия қўмитаси, партиянинг Олий Мажлиси Қонунчилик палатасидаги фракцияси, Банк-молия академияси ҳамда Давлат активларини бошқариш агентлиги ҳузурдаги илмий тадқиқот маркази билан ҳамкорликда давра суҳбати ўтазилди.**

Унда давлат дастурининг устувор йўналишларидан бири – иқтисодийта молиявий ресурсларни кўпайтириш мақсадида келгуси 5 йилда фонд бозори айланмасини 200 млн АҚШ долларидан 7 млрд АҚШ долларига етказиш масаласи атрофида муҳокама қилинди.

Таъкидланганидек, банк тизимида молиявий барқарорликни таъминлаш бўйича:

халқаро валюта жамғармасининг молиявий барқарорлик бўйича доимий экспертлари жалб қилиш бўйича келишувга эришилган;

2022 йил биринчи ярим йиллик натижалари бўйича молиявий барқарорлик шарҳини чоп этиш ҳамда доллар бозорларида алоҳида тадқиқотлар қилиш бўйича ишлар олиб боришмоқда;

халқаро валюта жамғармаси кўмағида жалб қилинган эксперт билан биргаликда макро стресс-тест ўтказиш учун зарур бўлган маълумотлар базаси шакллантирилмоқда.

Бу тизимли ислохотлар, албатта, партиянинг сайловолди дастури билан ҳам ҳаммаганлиги эътироф этилди. Республика қимматли қоғозлар бозори ривожланиши ҳамда унинг инфратузилмаси шаклланишига тўққинчи қилётган омиллар, шунингдек, бу йўналишда фаолият юритувчи профессионал иштирокчиларни тайёрлаш тизимидаги муаммолар ҳақида баҳс-мунозаралар бўлди.

Яқунда республикада қимматли қоғозлар бозорини ривожлантириш бўйича тақлифлар ишлаб чиқилди ва истиқболдаги доллар вазифалар белгилаб олинди.

МУХБИРИМИЗ

РЕКЛАМА

## “RUSTAM PLASTEKS” ҚУВУРЛАРИ СИФАТЛИ ВА ЧИДАМЛИ



Қулай шароит ва имкониятдан унумли фойдаланиш – оқилнинг иши. Бундан кўпчилик манфаатдор бўлса, нур устига нур.

Каттақўрғонлик Фахриддин Юлдошов юртимиздаги бизнес муҳитдан қувват олиб, иш бошлаганига қарийб 20 бўлапти. Бундан ўзи, оиласи, ишли бўлган ёшлар, корхонада ишлаб чиқарилган маҳсулотлардан харид қилаётган мижозлар хурсанд.

Дарвоқе, Каттақўрғон тумани Муллақўрпа маҳалласида жойлашган мазкур ишлаб чиқариш объекти 2003 йилда ташкил топган. Бу ерда асосан қишлоқ хўжалигида экинларни суғориш учун қўлланадиган, эгилувчан, сув йўллари учун шланглари (диаметри 90–250 мм гача) ва сув, газ учун мўлжалланган, юқори босимга чидамли полиэтилен қувурлари (диаметри 16–400 мм гача), канализация учун қувурлар (диаметри 100–250 мм гача) ишлаб чиқаришмоқда.

– Корхонамизда йигирмага яқин ҳамқишлоқларимиз иш билан банд. – дейди “RUSTAM PLASTEKS” ИЧК раҳбари Фахриддин Юлдошов.

– Улар хорижнинг номдор фирмаларида ишлаб чиқарилган энг замонавий ускуналарда сифатли маҳсулот тайёрлашапти. Бунёдкорлик авж олган, аграр соҳа янада илдамлаётган бугунги кунда республикамизнинг барча ҳудудларида қувурларимиз сифати тан олинди, харидорлар кундан кун ортиб бормоқда. Шу ўринда айтишим керакки, ўтган йили ишлаб чиқариш қувватимиз 600 тоннани ташкил этган бўлса, кўрсаткичи жорий йилда оширишга эришдик – 800 тоннага етди. Бунга янги линияни иш-

га туширганимиз сабаб бўлди. Барча турдаги маҳсулотларимиз тегишли ташкилотлар томонидан берилган сифат сертификатига эга.

**Муҳаббат РАВШАНОВА,**  
**“XXI asr” мухбири**

Мурожаат учун тел.: 99 967 30 64.

Хизматлар лицензияланган.

Самарқанд вилояти Қўшработ туманида фаолият кўрсатаётган

## якка тартибдаги тадбиркор

### Арзиқулова Дилрабо Раҳимбергдиевна

Мамлакатимиз ҳаётидаги унутилмас тарихий кун, асрий орзу-умидларимиз рўёби бўлган истиқлол тантаналарининг 31 йиллиги барча юртдошларимизга муборак бўлсин!

Тинчлик ва осойишталигимизга кўз тегмасин!  
Она халқимиз омон, юртимиз обод бўлаверсин!

## Олма қуртига қарши қандай курашиш мумкин?

Бу йил боғимизда олма дарахтлари шиғил мева тугди. Лекин қурт тушиб, ҳали пишмасдан ҳосилни зарарлаб қўяпти. Зараркунандага қарши курашишнинг қандай самарали усуллари бор?

**Х.АБДУРАҲМОНОВ**  
Наманган

Олма қурти, олма мевахўри (*Carposars pomonella*) – уруғли меваларнинг зараркунандаси, барг ўрочи капалаклар оиласига киради. Олма, беҳи, нок, баъзан ўрик, шафтоли, олхўри меваларига зарар етказиши мумкин. Меванинг уруғи ва эти билан озиқланади.

Олма қурти капалакларининг қанотлари ёзилганида 18–21 мм, олдинги қанотлари кулранг, қанотлари асоси ва учи қорамтир, кейинги қанотлари оч кўнгир, оқиш тукли, сўнгги ёшдаги қуртлари 14–20 мм, оч пушти бўлади.

Ғумбак даврида дарахт пўстлоғи, тўкилган шох-шабба ва барглари остида, тупроқнинг юза қаватида, омбор деворлари қавагида, яшиқ тиркишларида қишлайди. Эрта баҳорда пилладан капалак учиб чиқиб, дарахт барги ва гулларига тухум қўяди. Тухумлардан 6–8 кундан сўнг қурт чиқиб, меваларни зарарлайди. Мавсумда 3–4 марта насл беради.

Кураш чоралари: эрта баҳорда дарахт поясидан эски кўчган пўстлоқ олиб ташланади. Илдири атрофидаги тупроқ яхшилаб

юмшатилади. Мева сақланадиган омборлар ва яшиқлар дезинфекция қилинади. Тўкилган мевалар ҳар доим йиғиб олинади. Капалаклар ҳар қайси наслининг пайдо бўлиши даврида дарахтлар инспекцидлар (фозолон, Би-58) ва бошқа препаратлар билан ишланади.

**А.КЕНЖАЕВ,**  
**А.ЭШПЎЛТОВ,**  
Бойсун туман ўсимликлар карантини ва ҳимояси бўлими инспекторлари

## УХЛАНГ, ОҚСОҚОЛ, УХЛАНГ!

## МАЖЛИСЛАРДА ПИНАККА КЕТИШ АЙБМИ?

...Ўтган ҳафтада ижтимоий тармоқларда кўп чайналган (интернет тили билан айтганда, “трендда бўлган”) мавзу мажлисларда ухлаб ўтирганлар бўлиши. Кимдир кўзи юмуқ ҳолда, кимдир кўлини иягига тираганча пинакка кетган. Бу ёқда шов-шувга ўч “ижтимоий тармоқнинг мунтазам кўшинлари” ёппасига ҳужумга ўтишган: “Ўрнингни ёшларга бўшатиб бер!”, “Мажлисга ухлаш учун келдингми?”, “Маошингни ҳалоллаб ол!” ва шунга ўхшаган кесатиқлар, киноялар ва тўғридан тўғри ҳақоратлашлар...

Камина бу мавзудаги ҳаволаларга муносабат билдирмадим. Аввало, қандай мажлис, қайси вақтда ўтказилган, мавзуси кимларга дахлдор каби саволлар очиқ қоларкан, паншаха кўтариб бировнинг томорқасига кириб бўлмайди. Қолаверса...

\*\*\*

Маҳалла фуқаролар йиғинига бир мuddат раис бўлган кишининг куйинишларига эътибор беринг: “Йилнинг 365 кунининг энг камида учдан иккиси мажлислар билан ўтиши одат тусига кирган шароитда ишлаб бўладими? Ҳали кечкурун ҳокимликдан эртанги йиғилишга айтиб қўйишади. Яна, етиб боришинг шарт бўлган вақт – мажлис бошланишидан бирор соат олдинга белгиланган. Эрталаб идорага кириб, кундалик зарур ишларни ходимларга тақсимлашга зўрға улгурасан... У ёқда “Мажлисга нега келмаяпсиз?” деган дағдаға. Борасан. Мажлис залда бирор соат кутишга тўғри келади. Кейин йиғилиш. Уям камида икки соатларга чўзилади. Соҳамизга алоқаси йўқ бўлмасда, фуқаролар йиғинлари раислари йиғинларда қатнашишлари шарт! Кўпинча бу “контингент тўплаш – зални тўлдириш” учунгина қилинади.

Мажлистан чиқиб ишга қайтиш қайда? Бу орада ҳокимлик вакили эълон қилиб улгурган: “Тушдан кейин яна бир йиғилишимиз бор, шунга барча қатнашиши шарт! Йўқлама қилинади, ҳеч ким кетмасин!”. “Ҳеч ким кетмайди” – кета олмайди. Бу орада бутун бир иш кунни кетиб улгурган бўлади.

Илгари қишлоқ фуқаролар йиғинига ўн беш йиллар раис бўлган кекса устозимиз бирда айтиб қолдилар: “Мажлислар ҳоритма-яптими?”

Бир ҳокимлик матбуот хизмати сайтыда шундай хабарга кўзим тушди: “Туман прокурори фермерлар билан йиғилиш ўтказиб, томчилаб суғориш бўйича мутахассислар ва фермерларга маслаҳат ва кўрсатмалар берди”. Хабарга илова қилинган суратда формали киши атрофидаги фермерларга қандайдир ускуна ёнида нималарнидир уқтираётгани акс этган. Буни изоҳлашга ожизман. Фақат бир ота сўзимиз эсимга келади: “Отасига... ўргатибди”.

...Қайсидир ҳуқуқ органидан келган ходимлар катта залга барча фермерларни йиғиб, уч соатки “Ғуза парваришини ўз вақтида ўтказиш, агротехник тадбирларда сусткашликка йўл қўймаслик” борасида ваъз ўқийотишди. Фермерларнинг ҳаёли эса даласида – тракторлар ишлаётганимикин? Бирор муаммо чиқмадими? Улар бу ерда “ўта муҳим тадбирлар” ҳақида маъруза эшитаётган вақтда даласида тракторлар бекор ётибди – ёниги йўқ. Ишчилар нима иш қилишларини билишмайди. Икки кўзлари йўлда – фермер бува қачон келади...

Чошгоҳда бошланган мажлис пешинда тугайди. Асаблари таранг фермерлар йиғилишдан чиқиб... даласига қайта қолишмайди. Қайсидир ошхонага қиришади – қорин очқаган. Фермер ҳам тирик жон, ахир! Кейин... даласига шошилади. Ўрнида қилт этмасдан турган тракторлар, соя-салқинда қар-

та ўйнаётган ишчиларни кўриб, фйғони кўкка ўрлайди. Аммо бефойда! Ёниги излаб базага борса... аллақачон иш кунни тугаган.

“Ақлли маслаҳатгўйлар”нинг уч соатлик мажлиси боис неча юз гектар майдондаги ғўзаларга ўғит берилмасдан қолади – айна долзарб паллада бутун бир кун йўқотилади. Мажлислар эса “режадаги йиғилишни ўтказганларидан” хурсанд. Юқорига ахборот берилган – ҳаммаси режадагидай!

Дарвоқе, Фарғонада ғўзага қарайман деб мажлисга бормаган фермерни 10 суткага қамаб қўйишгани бугун ижтимоий тармоқда трендга чиққан.

\*\*\*

Фуқаролар йиғинлари раислари турли-туман мажлисларнинг доимий қатнашчиларига айланб улгуринган. Туманда куноро бўладиган йиғилишларга бориш-келишга, майли ярим кун кетар, аммо вилоят марказида бўладиганлари (бундай мажлислар ҳам озмас) бутун бир иш кунини ютиб юборади. Бу ёқда зарур иш билан келган фуқаролар кун бўйи идора эшигида сарғайган, ходимлар эса назорат йўқлигидан ўзлари билан ўзлари овора.

Олдинлари маҳаллий кенгаш сессиялари йилда кўпи билан ҳар чоракда бир бора ўтказиларди. Ҳозирда эса деярли ҳар ҳафта сессия. Майда бир масалани муҳокама қилиш (аслида бу иш аллақачон ҳал бўлган) учун депутатлар овоз беришлари керак. Ва... сессияларда маҳалла фуқаролар йиғинлари раислари иштироки шарт қилинган.

...Қайсидир туман матбуот хизмати сайтыда ўқидим: “Халқ депутатлари туман кенгашининг етмиш тўққизинчи сессияси бўлиб ўтди. Сессияда...” Маҳаллий кенгашларга охириги сайловлар ўтганига уч йилча бўляпти. Демак, хомаки ҳисобласак, ҳар йили ўттиз кун – деярли бир ой сессияларга едириб юборилган.

Хоразм вилоятига мустақил-

ликдан сўнг илк ҳоким бўлган раҳматли Маркс ака Жуманиёзовга бирда савол бериб эдим: “Сиз ишлаган давр билан ҳозирги давр орасида қандай фарқ бор?” Юрт тарихини яхши биладиган, санъатга ошно, ҳар бир сўзи тош босадиган Маркс ака саволимга қисқа жавоб бергандилар: “Авваллари ҳар ойда энг кўпи билан икки марта мажлис ўтказардик. Ҳозир... кунига ҳеч йўқ иккита йиғилиш”.

\*\*\*

Президент мажлисбозликка чек қўйиш борасида кўп бора юқори минбарлардан айтди, айрим мажлисбоз амалдорларга танбёх берди. Аммо... мажлисбозлик давом этмоқда.

Давлат раҳбари масъул ходимларни шанба ва якшанба кунлари керакисиз мажлисларга жалб қилмаслик, улар ҳам оддий одам сифатида оиласи даврасида бўлишлари кераклиги ҳақида ҳам неча карра таъкидлаган. Бу ёқда... айнан дам олиш кунлари ўтказилаётган йиғилишлар ҳақида ижтимоий тармоқлар тез-тез бонг урмоқда.

Назорат сустигидан бўляптими бу ҳолатлар? Албатта, дерсиз! Аммо айнан назорат қиладиган органларнинг ўзлари шу қоидаларга кўз юмаётган ва мажлисбозликка зўр бераётгани-чи?!

\*\*\*

Қонун чиқарувчи органлар – Олий Мажлис Қонунчилик палатаси ва Сенат йиғилишларида ухлаб ўтирадиган депутатлар сенаторлар ҳақидаги ҳаволаларда жон борлигини инкор қилиб бўлмайди. Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутатлари маош олиб ишлашади. Бу дегани – мажлис уларнинг иши! Бошқа касб вакиллари саккиз соат соҳаси бўйича меҳнат қилишса, депутатлар шу мuddатда мажлисларда янги қонунлар лойиҳаларини муҳокама этишади. Демак...

Тикувчи иш ўрнида ухлаб қола-



ди. Тракторчи ёки ҳайдовчи рулда ухлаб қолишини тасаввур этиб бўлмайди ҳатто.

\*\*\*

...Ижтимоий тармоққа қўйилган кинояли ҳаволада бир вилоятнинг “Нуронийлар” кенгаши раиси мажлисда кўзи юмуқ ҳолда ўтиргани акс этган. Бу ёқда “Ўрнингни ёшларга бўшатиб бер!” дейилмиш муносабатларни кўрсангиз! Шуни ёзаётган банда “Нуронийлар” кенгаши раиси тажрибали инсон – айнан нуроний кишилар орасидан сайланиши кераклигини наҳотки билмасми?! Қайтанга, уни тинч қўйинг, ўз вазифасини бажарсин, турли-туман мажлисларда олдинги қаторга ўтиришиб қўйманг, деб талаб қилган маъқул эмасми?

Мен эса ушбу суратни кўриб, бошқа нарсани хаёлдан ўтказдим. Ўзига мутлақо алоқаси йўқ мавзуда маъруза қиладиган нотикнинг палағда овозидан безган, ишхонасида ўзини орзиқиб кутаётган – бирор муаммо билан узоқ тумандан келган кекса кишиларни ўйлаб эзिलाётган нуроний инсонга раҳмим келди. Кунда-куноро шундай мажлисларда қатнашишга мажбур оқсоқолнинг айби нима? Вақтнинг қадрини биладиган одам учун, айниқса, бегона

тадбирлар бир азоб-ку! Ич-ичини емириб келаётган ҳасратини жилволаш учун ноилож кўзини юмгандир бу инсон!

\*\*\*

Рухиятшунослар фикрича, мажлисбозлик хасталикка ўхшайди. Йиғилишларда қатнашиши қанда қилмайдиган одам гўё бангига ўхшаб қолади – бирор кун мажлисга чақиримасан, мазаси қочади, ўзини кўярга жой тополмайди. Ва яна “Иш билмаган раҳбар мажлис ўтказди” деган гап ҳам бор...

Энди хулоса қилсак. Ҳўш, мажлисбозлик хасталикка чалинган амалдорларнинг ғафлат босган кўзларини ким очади? Уларни “мажлисбозлик уйқусидан” ким уйғотади? Буни ким назорат қилади? Аслида, назорат қиладиган ташкилот ёки раҳбарнинг ўзи шу хасталикка чалинган бўлса-чи?!

Яна нима дей?

Кўз ўнгимга ўша оқсоқол келди. Унга ичим ачиди. Бошқаларни ҳам ғафлат уйқусидан уйғотиб юбормаслик учун аста шивирладим: “Ухланг, оқсоқол, ухланг!”

Рўзимбой ҲАСАН,  
журналист

МАЪЛУМКИ, ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИНИНГ 2022 ЙИЛ 28 ЯНВАРДАГИ ФАРМОНИ БИЛАН ТАСДИҚЛАНГАН “2022–2026 ЙИЛЛАРГА МЎЛЖАЛЛАНГАН ЯНГИ ЎЗБЕКИСТОННИНГ ТАРАҚҚИЁТ СТРАТЕГИЯСИНИ “ИНСОН ҚАДРИНИ УЛУҒЛАШ ВА ФАОЛ МАҲАЛЛА ЙИЛИ”ДА АМАЛГА ОШИРИШГА ОИД ДАВЛАТ ДАСТУРИ”ДА ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИНИНГ ТАДБИРКОРЛАР БИЛАН “ОЧИҚ МУЛОҚОТ” ТАДБИРИНИ ЎТКАЗИШ БЕЛГИЛАНГАН. УШБУ ТАДБИРГА МУНОСИБ ТАЙЁРГАРЛИК КЎРИШ МАҚСАДИДА O‘zLiDeP СИЁСИЙ КЕНГАШИ ИЖРОИЯ ҚЎМИТАСИ ҲАМДА ҲУДУДИЙ ПАРТИЯ ТАШКИЛОТЛАРИДА ТАДБИРКОРЛАРНИНГ МУРОЖААТЛАРИ ҲАМДА ТАКЛИФЛАРИНИ ҚАБУЛ ҚИЛИШ БЎЙИЧА ТАШКИЛ ҚИЛИНГАН “CALL-CENTER”ГА КЎПЛАБ ТАКЛИФ ВА МУРОЖААТЛАР КЕЛИБ ТУШИЯПТИ. ШУЛАРДАН АЙРИМЛАРИНИ ЭЪЛОН ҚИЛМОҚДАМИЗ.

## БИЗДА ТАКЛИФ БОР

**Хадича БЎРИБОЕВА,**  
Арнасой туманидаги  
“Хадича чевар” ХК раҳбари

✓ Фаолиятини энди бошлаган ёш тадбиркорларга маълум мuddат солиқ имтиёзларини жорий қилиш керак.

**Диёра БОЛТАЕВА,**  
Ангрен шаҳридаги  
“Ифор” МЧЖ раҳбари

✓ Дастлабки (шошилич) ёрдам бепул бўлиши зарур. Хусусий соғлиқни сақлаш муассасаларига ҳам бепул шошилич ёрдам кўрсатиш мажбурияти юклатилиши шарт.

**Дилмурод ХОЛМАТОВ,**  
Учқўрғон туманидаги “Кимё Агро”  
МЧЖ раҳбари

✓ Паррандачилик билан шуғулланаётган тадбиркорларга парранда сонига ҳисоблаб дон маҳсулотларини етиштириши учун қишлоқ хўжалиги ерларидан ер ажратилса, у жойда яна бир неча иш ўрни яратилсади. Тадбиркор донни ўзи хоҳлаганидек етиштиради, ишсизлик камаяди, даромад кўпаяди.

**Жавоҳир АҲМАДЖОНОВ,**  
Сергели туманидаги “West group”  
МЧЖ раҳбари

✓ Тадбиркорларнинг ҳуқуқий билимини оширувчи ўқув-семинарлар кўпроқ ташкил этилиши зарур.

**Шокирий РАҲМАТИЛЛО,**  
Зангиота туманидаги “ASADULLOH-NON”  
МЧЖ раҳбари

✓ Тадбиркорлар ва фермерлар учун экспорт бўйича доимий семинарлар ташкил этиши, уларга йирик экспорт-импортчи корхоналарни жалб қилиш керак. Хорижий экспортчи корхоналар билан онлайн алоқани ўрнатиш ва малака оширишни йўлга қўйиш фойдадан холи бўлмайди.

**Асрор САТТОРОВ,**  
Арнасой туманидаги “OILAVIY RIVOJ”  
оилавий корхонаси раҳбари

✓ Марказдан четда бўлган тадбиркорлик субъектларига кредит маблағлари ажратиш учун сайёр банк тизимлари жорий этилса...

**Моҳира ҲАЙДАРОВА, Шароф Рашидов**  
туманидаги “XUSAYNZODA CHORVALARI”  
оилавий корхонаси раҳбари

✓ Камида 10 та иш ўрни яратган тадбиркор 6 ой мuddатга даромад солигидан озод қилинса...

MUASSIS: TADBIRKORLAR VA ISHBILARMONLAR HARAKATI –  
O‘ZBEKISTON LIBERAL-DEMOKRATIK PARTIYASI



**Бош муҳаррир**  
ўринбосари  
**Сардор МУСТАФОЕВ**

**Тахрир хайъати:**

Ақтам ХАИТОВ  
Дилшод ШОУМАРОВ  
Шухрат БАФОЕВ

Мавлуда ХЎЖАЕВА  
Сирождин САЙИД  
Аҳхам ШОДМООНОВ

Виктор ПАК  
Насимжон АЛИМОВ

Тахририят манзили:  
Тошкент шаҳри  
Нукус кўчаси 73А-уй.

электрон почта:  
xxi\_asr@mail.ru  
xxi\_asr@mail.ru



Телефонлар:  
қабулхона –  
71 215-63-80  
(тел./факс).  
Обуна ва реклама  
бўлими –  
71 255-68-50.

“XXI asr” ижтимоий-сиёсий газетаси  
Ўзбекистон Матбуот ва ахборот  
агентлигида 2011 йил 14 июнда 0009-рақами билан  
рўйхатдан ўтказилган.

“Шарқ” нашриёт-матбаа акциядорлик  
компанияси босмахонасида чоп этилди.

Корхона манзили:  
Тошкент шаҳри Буюк Турон кўчаси 41-уй.  
Газета офсет усулида, А-2 форматда  
босилди. Ҳажми – 3 босма табоқ.  
Буюртма рақами: Г – 851 Адади: 5083  
Электрон обуна – 1355  
Бахоси келишилган нарҳда.  
Топширилди – 20:30

Тахририятга келган кўлэмалар тақриз  
қилинмайди ва муаллифларга  
қайтарилмайди.

© “XXI asr” дан олинган маълумотларга манба  
сифатида газета номи кўрсатилиши шарт.

Муаллифлар фикри тахририят нуктаи  
назаридан фарқ қилиши мумкин.  
Газета тахририят компьютер марказида  
терилди ҳамда дизайнерлар

Элёржон Нёъматов,  
Маъруфжон Раҳмонов  
саҳифалади.



**НАШР КЎРСАТКИЧИ: 406**  
123456

Навбатчи муҳаррир:  
**Озод РАЖАБОВ**